

**“АУДИТОРЛИК ҚЎМИТАСИ ТЎҒРИСИДА”ГИ
НИЗОМ**

Тошкент-2017

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 24 июлдаги “Республикада банк аудитини ривожлантириш тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-1500-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг Бошқаруви томонидан 2004 йил 13 мартда 571-сон билан тасдиқланган “Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом ва унга киритилган ўзгартиришларга, шунингдек банк ва аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ва меъёрий ҳужжатларга асосан ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Низом (қуйида – «Низом») АТ «Алоқабанк» (қуйида «Банк») Кенгашининг Аудиторлик Қўмитаси фаолиятининг асосий мақсадлари, ҳуқуқлари ва ваколатларини ҳамда Аудиторлик Қўмитаси таркибини шакллантириш ва ишлаш тартибини белгилаб беради.

3. Аудиторлик қўмитаси Банк Кенгашининг Банк молиявий-ҳўжалик фаолияти устидан назорат қилиш соҳасидаги вазифаларини самарали бажарилишига кўмаклашиш мақсадида тузилган коллегиял маслаҳат органидир.

4. Банкда тегишли ички назорат тизимини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида Банк Кенгаши томонидан Аудиторлик қўмитаси тузилади, ва унинг таркибига фақатгина Кенгаш аъзолари киритилади.

5. Аудиторлик қўмитаси банк Кенгаши томонидан тасдиқланадиган 3 (уч) кишидан иборат.

6. Аудиторлик қўмитаси Раиси ва унинг аъзолари банк Кенгаши Раиси тавсиясига биноан банк Кенгаши томонидан тасдиқланади.

7. Аудиторлик қўмитаси Раиси Банк Кенгашининг мустақил аъзоси ҳисобланади.

8. Аудиторлик қўмитаси томонидан кўриб чиқилладиган масалаларнинг ўзига хослигини инобатга олиб, Аудиторлик қўмитаси йиғилишларида қўмита аъзолари бўлмаган шахсларнинг иштирок этишига фақат Аудиторлик қўмитаси Раиси таклифига кўра йўл қўйилади.

II. Аудиторлик қўмитасининг асосий вазифалари

1. Аудиторлик қўмитасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- а) ички аудит сиёсати ва молиявий ҳисоботни ишлаб чиқиш;
- б) молиявий ҳисобот тақдим этилиши устидан назоратни амалга ошириш;
- в) Банкнинг ички ва ташқи аудиторларининг ўзаро таъсирини назорат қилиш;

г) ташқи аудиторлар, уларнинг ҳақ миқдорини тасдиқлаш ёки Банк Кенгашига тайинлаш ва улар билан тузилган шартномани бекор қилиниши бўйича тавсиялар бериш;

д) аудит қилиниши лозим бўлган маълумот ҳажми ҳамда аудиторлик текширувларини ўтказиш даврларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

е) аудиторлик ҳисоботларини олиш ҳамда назорат тизимидаги камчиликларни, сиёсатлар, қонунчилик ва стандартларга номувофиқликларни, ҳамда аудиторлар ва назорат қилувчи бўлинмалар томонидан аниқланган бошқа камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳаракатларнинг Банк Бошқаруви ва бўлинма раҳбарлари томонидан ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш. Банк Кенгаши Раисига камчиликларни бартараф этишнинг бориши ҳақида ҳисоботларни тақдим этиш;

ё) бухгалтерия ҳисоби сиёсатини жорий қилиш;

ж) Банкда умумий таваккалчиликларни бошқариш ва ички назорат тизими тузилмаси ва самарадорлиги юзасидан ташқи экспертлар фикрларини кўриб чиқиш.

з) Аудит хизматининг ички аудиторлик текширувлар ўтказилиши бўйича тақдим этиладиган ҳисоботларини ўрганиш;

и) ички аудит бўйича чораклик ҳисоботларни ўрганиш ва уларни Банк Кенгашига тақдим этиш;

к) ички аудит хизматининг йиллик ва ярим йиллик иш режалари ҳамда фаолияти бажарилишини назорат қилиш;

л) аудит хизмати фаолиятининг мустақиллигини таъминлаш, шунингдек унинг фаолияти ҳамда текширишларни ўтказиш мазмуни ва ҳажмига Банк Бошқаруви аъзолари ва банкнинг бошқа бўлинмалари раҳбарларининг аралашувига йўл қўймаслик.

III. Аудиторлик қўмитасининг аъзоларига қўйиладиган талаблар

1. Аудиторлик қўмитаси таркибига кирувчи Банк Кенгаши аъзолари Банк Кенгашининг бошқа қўмиталари аъзолари этиб тайинланиши мумкин эмас.

2. Аудиторлик қўмитасининг аъзолари Банк аудит хизмати вазифаларига ва фаолиятига мос келувчи олий маълумот ва етарли иш тажрибасига эга бўлиши лозим.

3. Аудиторлик қўмитасининг камида битта аъзоси молиявий ҳисоботнинг тузилиши бўйича малакага эга бўлиши, бухгалтерия ҳисоби ёки аудит бўйича мутахассис бўлиши лозим.

Бошқарув Раиси

К. Ирисбекова

Бошқарув аъзолари:

Ж. Эгамбердиев

Ш. Бахриддинов

Х. Рахматов

Х. Бўронов

Ш. Искандаров

А. Абдукахаров

Методология бўлими в.б.

Ю. Махкамова